

Жамғарма кенгашининг  
2021 йил 26 февралдаги 1-сон баёнига  
4-илова

**Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги илмий-тадқиқотларни ташкил этиш, молиялаштириш ва амалга ошириш тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги илмий тадқиқотларга кўмаклашиш, тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш учун грантлар (кейинги ўринларда Грантлар деб аталади) ажратиш, лойиҳаларни шакллантириш, бажариш ва молиялаштириш тартибини белгилайди.

2. Грантларлар ажратиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) ҳисобидан амалга оширилади.

3. Грантлар илмий фаолият субъектлари ҳамда Жамғарманинг ташаббуслари асосида илмий-тадқиқот лойиҳалари кўринишида шакллантириллади.

4. Грантлар учун танловларни шакллантириш ва уни ўтказиш соҳасидаги ишчи орган (кейинги ўринларда Ишчи орган деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси (кейинги ўринларда ЎзР ФА деб аталади) ҳисобланади.

5. Вазирлик ва идораларнинг ходимлари ва мутахассислардан иборат маҳсус кенгашни, унинг раиси, ўринбосари ва илмий котиби ҳамда аъзоларини шакллантириш ва тузиш ЎзР ФАнинг тегишли буйруқлари асосида тартибга колинади.

6. Лойиҳаларни бажариш Жамғарма билан илмий-тадқиқот лойиҳаларининг ижрочи ташкилоти ўртасида шартнома тузиш орқали амалга оширилади.

**2-боб. Илмий-тадқиқот лойиҳалари танловларини  
ташкил этиш тартиби**

7. Ишчи орган илмий-тадқиқот лойиҳаларига ҳар йили бир маротаба ёки заруратга қараб танлов эълон қиласи ҳамда илмий экспертиза ва лойиҳанинг очиқ муҳокамаси натижасига кўра энг мақбул лойиҳаларни танланиб, молиялаштиришга тавсия этади.

8. Лойиҳаларга эълон ва лойиҳаларнинг танлов талаблари ЎзР ФАнинг расмий веб-сайтига жойлаштириллади ҳамда лойиҳа талабномаларини қабул қилиш, амалга ошириш муддатлари ва лойиҳаларни молиялаштиришнинг прогноз миқдори, лойиҳаларни амалга оширишдан кутилаётган натижалар,

лойиҳаларни амалга ошириш бўйича топшириқни ўз ичига олган маълумотлар кўрсатилади.

9. Ташкилий-хуқуқий шаклидан ва идоравий мансублигидан қатъий назар, танлов талаблари ва хужжатларига мувофиқ илмий фаолият субъектлари, илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланувчи бошқа ташкилотлар илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш учун лойиҳа хужжатлари тўплами билан лойиҳалар танловида қатнашиш, хужжатлар тўпламини эълонда белгиланган муддатларга мувофиқ тақдим этиш хуқуқига эга.

10. Лойиҳа талабномаси таркибидаги хужжатларнинг асосий рўйхати ва уларни расмийлаштириш (тўлдириш) ва тақдим этиш тартиби ЎзР ФАнинг расмий веб-сайтида ва зарур ҳолларда, бошқа оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади.

11. Лойиҳалар ЎзР ФАнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган танлов шартларида белгиланган санага қадар қабул қилинади.

12. Ишчи орган илмий-тадқиқот лойиҳалари бўйича келиб тушган барча лойиҳани рўйхатдан ўтказади ва уларга рўйхатга олиш рақамларини беради ҳамда техник ва илмий экспертизадан ўтказади.

13. Ёпиқ мавзудаги (махсус йўналишдаги) илмий-тадқиқот лойиҳаларига эълон ва танловлар маҳфий иш юритиш талабларидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади.

Ёпиқ илмий-тадқиқот лойиҳаларига эълон ва танловлар очиқланмайди. Танловда иштирок этиш учун таклифлар лойиҳа талабномалари, олдиндан белгиланган ижрочи ташкилот бўлмаган тақдирда, ЎзР ФА томонидан махсус алоқа каналлари орқали қабул қилишнинг тегишли даражасига эга ташкилотларга юборилади.

### **3-боб. Илмий-тадқиқот лойиҳалари талабномаларига қўйиладиган талаблар**

14. Лойиҳа талабномасида лойиҳани амалга оширадиган жамоа таркибига киритилган ижрочилар сони, шунингдек, лойиҳанинг асосий ижрочилари тўғрисида тўлиқ маълумотлар кўрсатилиши керак.

15. Лойиҳани амалга ошириш бошланган вақтда тузилган илмий жамоанинг ўртacha ёши, қоида тариқасида, 45 ёшдан ошмаслиги керак. Тадқиқот гурӯхининг ўртacha ёши ижрочилар ёшининг арифметик ўртacha даражаси сифатида ҳисобланади.

16. Лойиҳаларни амалга оширишда саноат ёки тармоқ томонидан ҳамкорликда молиялаштиришга қизиқиш бўлган тақдирда, лойиҳа талабномаларига саноат ёки тармоқ ҳамкори тўғрисидаги маълумот ва унинг молиявий иштироки (ҳамкорликда молиялаштириш) ҳажми ва турларини тасдиқловчи хужжатлар илова қилиниши керак.

17. Ижрочи ташкилотлар лойиҳани тўлиқ ёки қисман амалга ошириш учун хорижий олимларни ва хорижий илмий ташкилотлар билан ҳамкорликда

ишлийдиган мутахассисларни, таълим муассасаларини, ташкилотларни ва тадбиркорлик субъектларини жалб қилиши мумкин.

18. Ҳар бир лойиҳа талабномаси қуидаги хужжатларни ўз ичига олиши зарур:

илмий-тадқиқот гуруҳининг таркиби;

жамоа учун яратиб бериладиган шарт-шароитлар мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар;

ушбу ишларни амалга ошириш билан шуғулланадиган тадқиқот гуруҳи аъзолари билан ишлашнинг кетма-кетлигини тавсифловчи календарь режа;

харажатлар йўналишлари кўрсатилган, зарур молиялаштириш ҳажми ва муддатларини акс эттирувчи молиявий режа ва ҳисоб-китоблар;

тадқиқотнинг кутилаётган натижаларини қўллаш соҳаси кўрсатилган ҳолда унинг асосий натижалари тавсифи.

#### **4-боб. Илмий-тадқиқот лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш, саралаш ва тасдиқлаш тартиби**

19. Олинган лойиҳа талабномаларининг экспертизаси маҳсус кенгаш томонидан ташкил қилинади. Бунда дастлаб техник ва кейинчалик илмий экспертизани ўтказиш йўли билан якуний хulosha шакллантирилади.

20. Техник экспертизани ўтказиш муддати лойиҳа талабномалари учун хужжатларни қабул қилиш тугаган кундан бошлаб ўн кундан ошмаслиги керак.

21. Техник экспертиза қуидаги тартибларни ўз ичига олади:

талабномага илова қилинган шаклларнинг тўлиқлиги ва тўғрилигини, зарур имзо, муҳр ва штампларнинг мавжудлигини текшириш;

илгари топширилган лойиҳа талабномасига ўхшаш ёки шу мавзуда бажарилган лойиҳаларнинг мавжудлиги ва лойиҳа талабномаларининг такрорланишини аниқлаш;

тақдим этилган молиявий-иқтисодий ҳисоб-китоблар мавжудлигини ўрганиш;

ложиҳа талабномасига кўра, тақдим этилган хужжатларда кўрсатилган маълумотларни кўриб чиқиш, техник хатолар ва ноаниқликлар йўқлигини текшириш.

22. Лойиҳа хужжатлари бўйича техник экспертизанинг ижобий хulosasi бўлган тақдирда, хужжатлар тўплами маҳсус кенгаш томонидан илмий экспертизадан ўтказилади.

23. Лойиҳа хужжатлари бўйича техник экспертизанинг салбий хulosasi мавжуд бўлган тақдирда, Ишчи орган лойиҳани тақдим этган муассасага (ташкилотга) бу ҳақда ёзма равишда маълум қиласи. Ишчи орган томонидан камчиликларни бартараф этиш учун иш кунидан кам бўлмаган муддат белгиланади.

Агар лойиҳа тақдим этган ташкилот (муассаса) Ишчи орган томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан асослантирилган

таклифларни белгиланган муддатда тақдим этмаса, лойиҳа кўриб чиқиш жараёнидан олиб ташланади ва илмий экспертизадан ўтказилмайди.

Мазкур ҳолатда лойиҳа хужжатлари уни тақдим этган ташкилотга (муассаса) қайтариб юборилмайди ҳамда қонун хужжатларида белгиланган тартибда ЎзРФАда сақланади. Лойиҳани тақдим этган ташкилот (муассаса)нинг ёзма мурожаатига асосан лойиҳа хужжатлари ЎзРФА томонидан қайтарилиши мумкин.

24. Лойиҳа талабномаларининг илмий экспертизаси маҳсус кенгаш томонидан амалга оширилади.

Эксперт сифатида тегишли соҳада етарли даражада билим ва малакага эга бўлган, экспертиза қилинаётган ишга холис ёндоша оладиган, илмий даражага эга бўлган мутахассислар жалб қилинади.

Илмий экспертизани ўтказишга чет эл мутахассислари жалб этилиши мумкин.

Маҳсус кенгаш ва эксперталар ўтказилган экспертиза хulosаларининг холислиги юзасидан шахсан жавобгардирлар.

25. Илмий экспертиза лойиҳанинг илмий янгилиги ва амалий аҳамиятини, уни техник жиҳатдан амалга ошириш имкониятларини, шу жумладан моддий-техник базанинг етарли эканлиги, илмий салоҳиятнинг ва жамоанинг илмий натижалари мавжудлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

26. Илмий экспертиза қуйидаги тамойилларга асосланган ҳолда амалга оширилади:

эксперталарнинг мустақиллиги;

илмий лойиҳани илмий ёндашув асосида, холис, тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганиш;

экспертиза натижаларининг асослантирилганлиги;

эксперталарнинг чуқур билимга эгалиги, юқори даражада профессионал ва касбий маҳоратга эгалиги;

давлат, хизмат ва тиҷорат сирларига риоя қилган ҳолда экспертиза натижаларининг очиқлиги;

жамоат, техника ва экологик хавфсизликка, миллий ва халқаро стандартларга риоя қилиш.

27. Илмий экспертизани амалга ошириш жараёнида унинг натижаларидан шахсан манфаатдор бўлган жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларининг қатнашишига йўл қўйилмайди.

28. Маҳсус кенгашда илмий экспертиза муддати лойиҳа келиб тушган санадан бошлаб бир ойдан ошмаслиги керак.

29. Эксперталар лойиҳа талабномасини 10 кундан кечиктирмай кўриб чиқади. Текширув натижаларига кўра, ҳар бир эксперт лойиҳа бўйича ўзининг эксперт хulosасини беради ва уни 100 баллик шкала бўйича баҳолайди, бунда 0 балл – энг паст кўрсаткич, 100 балл – энг юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Агар иккала эксперт лойиҳа талабномасини 60 баллдан паст баҳоласа, лойиҳа талабномаси илмий экспертизадан ўтмаган деб ҳисобланади.

Лойиҳа талабномасининг якуний эксперт баҳоси барча эксперт баҳоларининг ўртача арифметик қиймати сифатида ҳисобланади.

Экспертизадан ўтмаган лойиҳалар махсус кенгашга қайтарилади. Ишчи орган лойиҳа бўйича лойиҳа талабномаси олинган ташкилотга (муассасага) ёзма равишда асослантирилган рад этиш хulosасини тақдим қиласди.

Бунда Ишчи орган рад этиш қарорига лойиҳани кўриб чиқсан эксперталарни кўрсатмаган ҳолда эксперт хulosаларини илова қиласди.

30. Илмий экспертизанинг иккинчи босқичида лойиҳалар махсус кенгаш йиғилишида очиқ муҳокама (тақдимот) шаклида кўриб чиқилади. Лойиҳа раҳбари илмий лойиҳа тақдимоти билан махсус кенгаш йиғилишларида қатнашади. Махсус кенгаш аъзолари тадқиқот лойиҳаси ва лойиҳани қўллаш мавзуси бўйича саволлар бериш ҳуқуқига эга.

31. Тақдимот ва очиқ муҳокаманинг натижаларига кўра, овоз бериш ҳуқуқига эга махсус кенгаш аъзолари лойиҳа талабномасини 100 балл тизимидан фойдаланган ҳолда баҳолайди, бунда 0 балл энг паст баҳо ва 100 балл энг юқори баҳо ҳисобланади. Махсус кенгаш аъзоларининг баҳолари йиғилиш баённомасида қайд этилади. Махсус кенгаш томонидан лойиҳанинг якуний баҳоси махсус кенгаш аъзолари баҳоларининг ўртача арифметик қиймати билан белгиланади.

Лойиҳа талабномасини баҳолаш жараёнида лойиҳани амалга оширишни режалаштирилаётган тадқиқотчилар гурӯҳи раҳбари ва аъзоларининг қатнашишига йўл қўйилмайди.

32. Махсус кенгаш томонидан якуний баҳоси 60 ва ундан юқори балл бўлган тақдирда, лойиҳа талабномаси илмий экспертизанинг иккинчи босқичидан ўтган деб ҳисобланади.

33. Ҳар бир лойиҳа талабнома бўйича илмий экспертиза якунлангач, махсус кенгаш хулоса ва тавсиялар беради. Махсус кенгаш қарорлари ва хulosалари йиғилиш баёни шаклида тузилиб, раис томонидан тасдиқланади.

34. Махсус кенгаш аъзоси баҳолаш жараёнида қўпчиликнинг фикрига қўшилмаса, ўзининг алоҳида фикрини билдиришга ҳақли. Махсус кенгаш аъзосининг алоҳида фикри йиғилиш баённомасига киритилади.

35. Махсус кенгаш ўхшаш мавзулар ва йўналишларни, уларни бажариш жараёнини мақбуллаштириш мақсадида иш ҳажми ва харажатларни аниқлайдиган режалаштирилган ишларни тўғрилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши мумкин.

36. Ишчи орган экспертизаси натижалари таҳлил қилиниб, умумлаштирилганидан сўнг ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини қўллаб-кувватлаш жамғармаси кенгашига (кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади) кўриб чиқиши учун тақдим этилади. IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаментининг Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини мувофиқлаштириш шўъбаси (кейинги

ўринларда Мувофиқлаштириш шўъбаси деб аталади) лойиҳаларини тўғри ва холис баҳолаганлигини текшириш мақсадида қўшимча экспертиза ўтказишга ҳақли.

Кенгаш ва Мувофиқлаштириш шўъбаси махсус кенгаш раисларини қабул қилинган қарорларга тушунтириш беришни сўраб муҳокамага таклиф қилишга ҳақли.

Мувофиқлаштириш шўъбаси махсус кенгашнинг доимий фаолият олиб боришини ва белгиланган муддатларда мониторинг ўтказишини ҳамда ижрои ташкилотлардаги илмий-тадқиқот ишларини сифатли бажарилишини ўз назоратига олади, шунингдек зарур ҳолларда тегишли хulosаларни Кенгашга киритади.

Зарур ҳолларда, лойиҳа талабномаси экспертизаси жараёнида ишлаб чиқилган хулоса ва тавсиялар асосида, шунингдек Кенгашнинг кўрсатмасига мувофиқ махсус кенгаш томонидан қайта ишланиб, унинг мавзуси ва таркибига қисман ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган тавсиялар билан қайта тақдим этилиши мумкин.

Бунда махсус кенгаш томонидан бир маротаба лойиҳа раҳбарига уч иш куни ичида тегишли ўзгартиришлар қилишга рухсат берилади, ўзгартирилган лойиҳа қайта экспертиза ва муҳокамадан ўтказилади. Махсус кенгаш баёнида ва унинг қарор қисмida лойиҳа талабномасини қайта ишлаш билан боғлиқ барча жараёнлар тўлиқ асослантирилиши лозим.

37. Ижобий баҳолангандан молиялаштиришга тавсия этилган илмий-тадқиқот лойиҳаларининг якуний рўйхатини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор Кенгаш томонидан ҳужжатлар тақдим этилган санадан бошлаб ўн иш куни мобайнида қабул қилинади.

### **5-боб. Илмий-тадқиқот лойиҳаларни молиялаштириш тартиби**

38. Кенгаш қарори қабул қилинган кундан эътиборан ўн беш кун муддатда илмий-тадқиқот лойиҳасининг ижрои ташкилоти Жамғарма билан белгиланган тартибда шартнома имзолаши зарур.

Шартномада молиялаштириш шартлари ва томонларнинг мажбуриятлари назарда тутилиши лозим.

39. Илмий-тадқиқот лойиҳаларини молиялаштириш Жамғарма ҳисобидан амалга оширилади.

Бунда тармоқ ва саноат корхоналари муаммоларини ҳал этишга қаратилган давлат буюртмаси асосида амалга ошириладиган илмий-тадқиқот лойиҳалари тармоқ ва саноат корхоналари билан келишувлар асосида шерикликда молиялаштирилиши мумкин.

40. Лойиҳа доирасида ажратилган маблағлар илмий изланишлар олиб боришига, шунингдек, иш ҳақидан ташқари, тижоратлаштириш имкони юқори бўлган янги маҳсулот (хизмат)ларни ишлаб чиқаришга, амалиётга татбиқ этишга йўналтирилиши лозим.

## **6-боб. Илмий-тадқиқот лойиҳаларни амалга ошириш жараёнини мониторинг қилиш тартиби**

41. Илмий-тадқиқот лойиҳалари мониторинги уларнинг тасдиқланган режасига кўра бажарилишини, молиявий маблағларнинг мақсадга мувофиқ сарфланишини, белгиланган муддатларда ҳисоботлар тақдим этилишини ва олинган натижаларнинг самарадорлигини баҳолашни ўз ичига олади.

Амалга оширилаётган илмий лойиҳаларнинг натижалари мониторинги Ишчи орган томонидан амалга оширилади.

42. Ижрочи ташкилотлар амалга оширилган лойиҳаларнинг ҳисоботларини (оралиқ ва якуний) Ишчи органга шартномаларда белгиланган муддатларда тақдим этади.

43. Ишчи орган ҳисоботларни қабул қиласи, шунингдек, лойиҳа бўйича ахборот ва бошқа таҳлилий материалларни тайёрлайди ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ИТ-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаментининг Мувофиқлаштириш шўъбасига тақдим этади.

Ҳисоботлар ва молиявий-иктисодий масалалар бўйича таҳлил қилиш, кўриб чиқиш ва фикр бериш Ишчи орган ҳамда Мувофиқлаштириш шўъбаси томонидан амалга оширилади.

44. Ишчи орган зарур ҳолларда мустақил эксперт ва мутахассисларни жалб этган ҳолда, лойиҳаларнинг бажарилиши мониторингини амалга оширади.

Мониторинг қуйидаги шаклларда амалга оширилади:  
тақдим этилган ҳисоботларни экспертлар томонидан кўриб чиқиш;  
махсус кенгаш йиғилишларида илмий-тадқиқот лойиҳаси раҳбари томонидан ҳисоботларни ҳимоя қилиш;

зарур ҳолларда лойиҳани бевосита жойига чиқсан ҳолда ўрганиш, бунда қуйидаги асосий жиҳатларга эътибор қаратиш:

илмий-тадқиқот ишларининг лойиҳа бўйича имзоланган шартнома ва унинг календарь режасига асосан бажарилиш ҳолати;

ижрочи ташкилот томонидан илмий-техник лойиҳанинг амалга оширилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилганлиги;

ажратилган молиявий маблағнинг мақсадли сарфланаётганлиги;  
ложиҳалар натижалари бўйича етакчи хорижий журналларда мақолалар чоп этиш борасида эришилган натижалар ва уларнинг мавжуд салоҳиятга нисбатан қиёсий таҳлили;

ҳар бир лойиҳа доирасида қўлга киритиладиган якуний натижалар ва уларни соҳа йўналишларига татбиқ этиш имкониятлари.

45. Ишчи орган томонидан ижрочи ташкилот билан келишилган ҳолда оралиқ ҳисоботларни мониторинг қилиш ҳамда қабул қилиш жараёнида, агар саноат ҳамкори мавжуд бўлса, тадқиқот дастурига ва келишув шартларига аниқликлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

46. Белгиланган ишларнинг алоҳида босқичларининг режалаштирилган ҳажмларини ўз муддатида бажармаслик, шунингдек, ҳисоботларни топшириш

муддатларини ва молиявий интизомни бузиш Кенгаш ташаббуси билан молиялаштиришни тўхтатилишига ва шартномани бекор қилинишига асос бўлиши ва ижрочи ташкилотга нисбатан тегишли чоралар қўришга олиб келиши мумкин.

47. Амалга оширилаётган илмий-тадқиқот лойиҳалари мониторинги натижалари бўйича Ишчи орган хulosалари илмий-тадқиқот лойиҳаларини молиялаштиришни давом эттириш ёки тўхтатиш бўйича қарорлар қабул қилиш учун асос ҳисобланади.

48. Илмий-тадқиқот лойиҳасини молиялаштиришни тўхтатиш тўғрисидаги қарор Кенгаш томонидан Ишчи орган хulosаси асосида ёки лойиҳани амалга оширувчи ташкилот талабига биноан қабул қилинади.

49. Агар келишмовчилик ёки фарқли натижа ижрочи ташкилотга маълум бўлса, бу ҳақда беш кун ичida Ишчи органга маълум қилиниши керак.

Махсус кенгаш тақдим этилган ҳужжатлар асосида (билдиришнома, тадқиқот лойиҳалари тўғрисидаги ҳисбот), аниқланган ўзгаришлар ёки олинган натижалар кутилганидан ўзгача бўлса, лойиҳаларни келгусида молиялаштириш ёки лойиҳанинг мақсадли параметрларини қайта расмийлаштириш тўғрисида қарор қабул қиласи.

Амалга ошириладиган лойиҳаларнинг ҳисботлари Ишчи орган томонидан электрон рўйхатга олиниши лозим.

### **7-боб. Илмий-тадқиқот лойиҳалари натижаларини рўйхатга олиш ва ҳисобини юритиш тартиби**

50. Амалга оширилган илмий-тадқиқот лойиҳалари натижалари ҳужжатлаштирилади ва Ишчи органга шартномага мувофиқ ГОСТ 7.32-2001 давлатлараро стандарти талабларига мувофиқ тузилган тадқиқот ҳисботи ёки илмий-техник маҳсулотлар шаклида тақдим этилади.

51. Илмий-тадқиқот лойиҳаларининг ижрочи ташкилоти томонидан Ишчи органга қуидагилар тақдим этилади:

илмий-тадқиқот лойиҳалари ижрочи ташкилотининг расмий бланкидаги йўлланма хати;

тадқиқот лойиҳалари ҳақида ҳисбот;

давлатлараро стандарт талабларига мувофиқ тузилган ГОСТ 7.9-95 “Хулоса ва аннотация. Умумий талаблар” реферат.

Илмий-тадқиқот лойиҳаларининг ҳисботлари ЎзР ФАда сақланади.

52. Илмий-тадқиқот лойиҳалари натижалари тўғрисидаги маълумот илмий-тадқиқот лойиҳалари ижрочи ташкилоти томонидан тузилган реферат шаклида давлатлараро стандарт ГОСТ 7.9-95 талабларига мувофиқ Ишчи органнинг электрон маълумотлар базасига киритилади.

### **7-боб. Яқунловчи қоида**

53. Лойиҳа раҳбарлари ижрочи ташкилотларнинг раҳбарлари билан бир қаторда бажариладиган тадқиқотларнинг илмий-техник савияси, ҳисботларни белгиланган муддатларда топширилиши, шунингдек, молиявий

маблағларнинг самарали ва мақсадли сарф қилиниши учун шахсан жавобгар бўлади.

54. Ижрочи ташкилот лойиҳаларни амалга ошириш учун тегишли шартшароитлар яратади, ҳисоботларни илмий ёки илмий-техник кенгашда муҳокама қиласди, лойиҳа раҳбарининг таклифига кўра, тадқиқотларнинг сифатли бажарилишини таъминлаш учун “вақтинчалик илмий жамоа” ташкил этади. Жамоага бошқа ташкилотларнинг ходимлари ҳам аъзо бўлиши мумкин. Ташкилот раҳбари лойиҳа раҳбарини жамоа раҳбари этиб тасдиқлайди.

55. Ижрочи ташкилот лойиҳа раҳбари узоқ муддатга бетоблиги сабабли иш қобилиягини йўқотган, доимий истиқомат қилиш учун республикадан четга чиқиб кетган, ўз аризасига кўра раҳбарликдан воз кечган ёки қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда, Ишчи органга лойиҳа раҳбарини алмаштириш бўйича таклиф (ташкилот раҳбарининг йўлланма хати, ташкилот илмий ёки илмий-техник кенгаши қароридан кўчирма ва тавсия этилаётган янги лойиҳа раҳбари тўғрисида маълумот) киритади.

56. Лойиҳа раҳбари бошқа жойга ишга ўтган ҳолларда ушбу лойиҳанинг амалга оширилиш жойи (ижрочи ташкилот) ўзгартирилмайди.

57. Ушбу қоида талабларини бузганликда айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.